

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 197 (10.502)

2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРЬ

Ўзбекистон — Малайзия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жорий йилнинг 2-4 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Малайзияда бўлди.

Бугунги Малайзия - мафтункор ўлка дунё ажойиботлари ва гўзаллигини кашф этишга бел боғлаган ёш саргузаштпарастни ҳам, тажрибали сайёҳни ҳам бефарқ қолдирмайди. Қаерга қараманг, дид билан ўстирилаётган пальмазорлару беадад архидезорлар ва «Selamat datang» деган лутфга дуч келасиз. «Хуш келибсиз» деган мазмундаги бу ибора меҳмоннинг кўнглини хушлаш учун шунчаки айтиладиган мулозамат эмас, балки миллий анъана, шарқона меҳмоннавозлик белгиси эканлигини мамлакатга кириб борганинг билан чуқурроқ ҳис этасиз. Ҳозирдаги сингари озодлик, хушмуомала, покиза инсонийлик.

Малайзия бир маҳаллар нефть-газ, пальма ёғи ва қалайи захиралирига бойлиги билан машҳур эди. Аникроги, хомашё ўлкаси эди. Бугун у юксак суръатлар билан тараккил этиб бораётган, ривожланган давлатларга ҳар жиҳатдан тенг келиб қолган мамлакат десак, хато бўлмайди.

У дунёдаги энг илғор технологияларни, таъбир жоиз бўлса, зудлик билан ўзлаштириб олган, компьютер билан алоқадор соҳаларда фаолият кўрсатадиган фирма ва компаниялар энг кўп жойлашган мамлакатлардандир.

Айни пайтда ушбу мамлакат Жануби-шарқий Осиёдаги энг нуфузли ташкилот бўлиш АСЕАНга раислик қилмоқда. Аввал, шунинг таъкидлаш ўринлики, АСЕАНни таъсис этишда Малайзия асосий ташаббускор бўлган. Демак, ушбу давлат билан ҳамкорлик орқали Ўзбекистон жаҳоннинг катта бир минтақаси мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантиришга йўл очди.

Малайзия айни вақтда Ислон конференцияси ташкилотига (ИКТ) ҳам раислик қилмоқда. Бу эса мамлакатнинг нафақат ушбу ташкилот аъзолари орасида, қолаверса, бутун мусулмон дунёсида обрў-эътибори юқори эканлигини далолатларди.

Яъни, Ўзбекистон Малайзия билан ҳамкорлик воситаси орқали ИКТ аъзолари билан ҳам муносабатларни фаоллаштириш имкониятига эга. Диний экстремизм, динни ниқоб қилган халқаро террорчилик таҳдиди тобора ошаётган ҳозирги вақтда эса бу гоёт муҳим аҳамиятга молик масалалардир.

Иқтисодий жиҳатдан қараганда ҳам Малайзия билан ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатлидир. Юқори технологияларни ўзлаштириш борасида, Ўзбекистон маҳсулотларини Жануби-шарқий Осиё бозорларига олиб чиқиш ва бу минтақадан сармоя жалб қилишда Малайзия билан алоқаларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Юқорида зикр этилган сиёсий омилларнинг ўзи бу фикрга яхшигина асос бўлиши мумкин.

Икки томонлама муносабатларга доир сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий масалалар, шунингдек, халқаро аҳамиятга молик муаммоларга ёндашувларнинг яқин ё ўхшашлигини назарда тутган ҳолда, Ўзбекистон доим халқаро майдонда ушбу давлатни қўллаб-қувватлаб келади. Мисол учун, мамлакатимиз БМТ ҳузуридаги тузилмаларга аъзолик борасида кўп мартаба Малайзиянинг номзодини ёқлаган: 1997 йили - ЭКОСОСга, 1998 йили Хавфсизлик кенгашининг номзодини аъзоллигига, 1997, 2001 ва 2005 йиллари Югославия бўйича халқаро трибуналга, 2003 йили Руанда бўйича халқаро трибуналга, 2004 йили хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари билан барқарор этиш бўйича қўмитасига.

Малайзия ҳам Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кадрлайди. Мутахассисларнинг фикрича, Ўзбекистон билан ҳамкорлик унга Марказий Осиё ва МДХ мамлакатлари бозорларига йўлни кенгайтириш имконини беради. Ташриф чоғида Малайзия раҳбарияти ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиё умумий бозорини ташкил

этиш борасидаги ташаббусига катта қизиқиш билан қараши маълум бўлди.

Куала-Лумпурда Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллулайл билан мулоқотда кенг қамровли масалалар юзасидан фикр алмашди. Мамлакат Бош вазири Абдулла Бадавий билан тор доирада ва кенгайтирилган тартибда ўтказилган музокарада эса барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилиб, тегишли амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Аввало, алоқаларнинг ҳуқуқий пойдевори янада мустаҳкамланди. Президент Ислон Каримов ва Абдулла Бадавийнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Унда ҳамкорликнинг тамойиллари ва истикболлари баён этилиб, муносабатларни ривожлантириш борасида томонларнинг яқдиллиги, қатор халқаро ва минтақавий масалаларга қарашлари ҳамоҳанглиги таъкидланди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Малайзия ҳуқуқматлари ўртасида Ҳаво транспорт катнови тўғрисидаги битим, шунингдек, Савдо бўйича қўшма қўмита, сайёҳлик ҳамда минерал ресурсларни ўзлаштириш соҳаларида, хавфсизликни таъминлаш ва террорчиликка қарши курашда ҳамкорликка оид ағлашув меморандумлари, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари соҳасидаги ағлашув протоколи имзоланди.

Сафар асносида Президент Ислон Каримов Малайзия парламентида бўлиб, Сенат Раиси Абдул Хамид Паванте ва Вакиллар палатаси Спикери Рамли Бин Нга Толиб билан учрашди. Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги парламентлар алоқаларни ривожлантириш, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси
Барча маъблардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги мутасаддилари, тизимнинг малакали мутахассислари иштирокида Нукус туманидаги «Қорақалпоқтомат» корхонасида пахтачиликда томчилатиб сугориш тажрибасини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга бағишланган кўргазмали семинар-кенгаш ўтказилди.

• Пойриқ тумани пахтакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажардилар. Қабул пунктларига етказиб берилган 34 минг 200 тонна хом ашё тўлиқ юқори навларда сотилди.

• Самарқанд вилояти дехқонлари уруғлик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Келгуси йил ҳосили учун 24400 тонна сара уруғ жамғарилди.

• «Балиқчилик» Ўзбекистон-Швейцария-Германия қўшма корхонасида тўқимачилик ишлаб чиқаришининг иккинчи навбати ишга туширилди. Эндиликда энг замонавий технологик линиялар ва дастгоҳлар ҳар йили 5 минг тонна жаҳон андозаларига жавоб берувчи йигиртилган илми ишлаб чиқариш имконини беради.

• Ҳамза шаҳарчасидаги «Олтин сун водийс» корхонаси беш йилдан бери самарали фаолият юритмоқда. Мазкур корхона ҳузурида «Соя интер инвест» Ўзбекистон-Германия-Украина қўшма корхонаси иш бошлади. Бу ерда соядан қуритилган сут ишлаб чиқарилди.

Жаҳонда

• Парижда БМТнинг фан, таълим ва маданият масалалари бўйича ташкилоти - ЮНЕСКОнинг 33-Бош конференцияси бошланди. Унда ташкилотга аъзо 191 мамлакатдан вакиллар иштирок этмоқда.

• Люксембургда бўлиб ўтган узоқ торттишув ва баҳслардан сўнг Туркия ва Хорватиянинг Европа Иттифоқига кириши юзасидан расмий музокаралар бошланди.

• Ҳиндистонда темир йўл ҳалокати юз берди. Варанаси-Гвалиор йўналиши бўйича ҳаракатланаётган тезюзар поездининг издан чиқиб кетиши оқибатида 20 га яқин йўловчи ҳаётдан қўз юмди, кўпчилик кишилар жароҳатланди.

• Мана бир неча кундирки, Марказий Америкада тинимсиз равишда қучли ёмғир ёяпти. Сўнгги маълумотларга кўра, сув тошқинлари ва ер кўчишлари натижасида ҳозирга қадар 29 нафар киши ҳаётдан қўз юмган.

ПОЯТХТНИНГ
Бир кунни
Янгиликлар, воқеалар
ҚИСКА
сўзлари

• «ВАТАН» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва маҳаллалар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга бағишланди.

• **ЮНСОБОД** туманидаги «Қашқар» маҳалласида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда «Маҳалла» жамағатининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилган тадбир ниқоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказишга бағишланди. Бу каби тадбирлар Собир Раҳимов туманининг «Қорасарой», Сергели туманининг «Ёшлик» маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди.

• **УЧТЕПА** туманидаги «Тинчлик» маҳалласида «Nestle» компанияси ташаббуси билан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, нормал овқатла-

нишни йўлга қўйишга бағишланган тадбир ўтказилди.

• **КЕЧА** Миллий матбуот марказида Ибн Сино Халқаро жамағатлари томонидан таъсис этилган соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган «Абу Али ибн Сино» газетасининг тақдими бўлиб ўтди.

• **БУГУН** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИХ марказий Кенгаши ҳамкорлигида амалга оширилаётган «Грант LG» — ижтимоий лойиҳа якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор тумани бўлими, туман «Маҳалла умидлари» жамағатлари, воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир ёшлар ўртасида жонотчиликнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга бағишланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Обуна — 2006

“ОҚШОМ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

У ҲАР ҲАФТАДА БЕШ МАРОТАБА ХОНАДОНИНГИЗГА КИРИБ БОРАДИ

Азиз оқшомхон! Шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида газета ва журналларга обуна ишлари давом этмоқда. Жумладан, Сиз севиб мутлолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига ҳам 2006 йил учун обунани расмийлаштиришингиз мумкин.

Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчи га манзур бўлса, унинг муштарилари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча нашрлар қатори бизнинг «Оқшом» таҳририяти аъзолари ҳам ўз ихлосмандларининг тақдир ва ис-

такларидан келиб чиқиб, келгуси йилда газетани янада ўқимшилароқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни белгилаб қўйди. «Оқшом» газеталари 2006 йилдан бошлаб янги-янги руҳлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, Сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфирқ ва масалага тўғри бўлиб келган севишли нашрингизга обуна бўлишга шошиллинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кундан бошлаб «Оқшом» хонадониңгизга ўзи кириб боради. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563. Йиллик нашр баҳоси 30.780 сўм қилиб белгиланган.

**ЖАНУБИЙ
КОРЕЯ
ДЕЛЕГАЦИЯСИ
ТАШРИФИ**

**Мамлакатимизда
меҳмон бўлиб турган
Корея Республикаси
Миллий ассамблеяси
(парламенти)
Спикери Ким Вон Ки
раҳбарлигидаги деле-
гация 4 октябрь
куни Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлисининг Қонун-
чилик палатаси Спикери
Э.Халилов билан
учрашди.**

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг ҳозирги аҳоли, шунингдек, ўзаро сиёсий, савдо-иқтисодий ҳамда маданий алоқаларга доир масалалар муҳокама этилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб келаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари чоғида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳозирга қадар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида қирқдан зиёд ҳужжат имзоланган. Юртимизда жанубий корейлик ишбилармонлар иштирокида юздан ортук қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат парламентининг ўзаро муносабатлари 1993 йилдан буён самарали давом этиб келаяпти. Олий Мажлисга шу пайтга қадар Жанубий Кореянинг ўндан зиёд ҳукумат ва парламент делегацияси ташриф буюрган.

Шу йилнинг февраль ойда Корея Республикаси Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида дўстлик гуруҳи тузилди. Сентябрь ойда эса шундай гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ҳам ташкил этилди. Бу гуруҳлар нафақат парламентлараро алоқалар, балки бошқа соҳалардаги ҳамкорлик кўламини ҳам кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жанубий Корея Миллий ассамблеяси Спикери Ким Вон Ки раҳбарлигидаги делегация Олий Мажлис Сенати раисининг ўринбосари Ф.Муҳидинова билан ҳам музокара ўтказди.

ЎЗА

Ўзбекистон — Малайзия: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Ташки ишлар вазири Хамид Албар билан мулоқот эса икки томонлама сиёсий ҳамкорлик, АСЕАН, Ислам конференцияси ташкилати каби тузилмалар доирасидаги кўп томонлама алоқалар билан боғлиқ масалалар муҳокама-сига бағишланди.

Ислам Каримов, шунингдек, Малайзиянинг собиқ Бош вазири Махатхир Мухаммад билан учрашди. Катта сиёсий нуфузга эга таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Махатхир Мухаммад Ўзбекистон-Малайзия муносабатларига оид масалаларни яхши билади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон раҳбарининг ташрифига Малайзия томони катта тайёргарлик қўрди. Савдо бўйича қўшма қўмита ташкил этиш борасида келишувга эришилган, лекин ҳали бу ҳақдаги ҳужжат имзоланмаган эди. Шундай бўлса-да, сафарнинг иккинчи куни қўмита ўзининг илк мажлисини ўтказди. Бу томонларнинг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги қарашлари ҳамоҳанг, мақсадлари муштарак эканлигидан яна бир далолатдир.

Қўмита йўлиғиши икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форумига улашиб кетди. Катнашчилар сафи бир неча қарра кенгайиб, бизнесменлар бевосита ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан музокара ўтказдилар, имконият, шарт-шароит ва бошқа омиллар бўйича савол-жавоблар белгиланган вақтдан анча узоқ давом этди.

Бугун биз хорижий шерикларга нима таклиф қила оламиз, сўнгги вақтда яратилган ва районлаштирилган гўза навлари халқаро стандартлар ва жаҳон бозори талабларига қай даражада жавоб беради? Г.Зайцев номидаги Ўзбекистон гўза селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институти директори вазирасини бажарувчи Яшин Бобоев ўЗА муҳбирига бу ҳақда ва мамлакатимиз селекция фанининг янги ютуқлари тўғрисида сўзлаб берди.

— Мамлакатимиз иқтисодиётида асосий ўринлардан бирини пахта-текstil саноати эгаллайди. Ўзбекистон мустақилликка эришган, бозор муносабатларига асосланган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар йўлини танлади. Шу муносабат билан Президент Ислам Каримов мамлакатимиз иқтисодиётига, шу жумладан пахта-текstilчиликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Тармоқнинг бирламчи вазираси ўз асосий салоҳиятини ошириш, демакки юқори сифатли, жаҳон бозорига рақобатбардор пахта толасини ишлаб чиқаришдир. Селекция ва уруғчилик ташкилотлари олдига ҳам бу борада тегишли вазифалар қўйилди. 1996 йилда «Уруғчилик тўғрисида», «Селекция ютуқлари тўғрисида» қонунлар ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 25 ноябрдаги «1999-2000 йилларда пахта навларини янгилаш ва жойлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори улар фаолияти самардорлигини оширишда катта аҳамият касб этди.

Бугун Ўзбекистонда гўза селекцияси ва уруғчиликни яна давлат тизими амал қилмоқда. Унинг асосий бўйинларидан бири бизнинг институти-миз бўлиб, ҳақли равишда Марказий Осиёдаги барча селекция-уруғчилик ишларининг ташкилотчиси ҳисобланади. Бу иш энг замонавий технологиялар, илгор илмий услублардан фойдаланишга асосланган ва уларнинг кўпи институт ходимлари томонидан яратилган.

Олимлар фаолияти самардорлигининг энг яхши кўрсаткичи янги, юқори самарали ва толасининг юқори сифатлилиги билан ажралиб турадиган гўза навларининг яратилишидир. Институт ташкил этилганидан бери 60 га яқин шундай нав яратилди, уларнинг 15 таси ингичка толали, 6 марта нав алмаштирилди. Бугун МДХ республикаларининг пахта етиштириладиган далаларида 11 та ўзбек селекция-

Форум якунида Ўзбекистон ва Малайзия ишбилармон доиралари ўртасида жами 16 ҳужжат имзоланди. Улар банк-молия, сармоя, алоқа ва ахборотлаштириш технологиялари, энгил саноат, озик-овқат, қишлоқ хўжалиги каби кўплаб муҳим соҳаларда ҳамкорликни назарда тутди. «Петронас» корпорацияси билан тузилган 2 ҳужжатни ҳам қўшиб айтадиган бўлсак, иқтисодий мажмуа бўйича 18 келишув расмийлаштирилди. Уларнинг молиявий қиймати 400 миллион АҚШ долларидан ошади.

Шу ўринда «Петронас» корпорацияси ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. 1974 йил 17 августда ташкил этилган мазкур йирик транс-миллий корпорация ҳозир 30 мамлакатда фаолият юритади. Дунёдаги энг қудратли 500 корпорация сафида турувчи «Петронас»нинг фаолият доираси жуда кенг. Булар нефть ва газ қонларини қидириш, ўзлаштириш, қайта ишлаш, нефть маҳсулотлари ва суялтирилган газ савдоси, маркетинг тадқиқотлари ўтказиш билан боғлиқ кўплаб тадбирлардир.

«Петронас»нинг салоҳияти ҳақида Куала-Лумпур марказида қад ростлаб турган мўъжиза ҳам яхши тасаввур беради. Айни шу ном билан аталувчи «эҒиз» минора нафақат Малайзия пойтахти, балки бутун мамлакатнинг рамизи ва фахрига айланган. 1998 йилда бунёд этилган бу кўшиморнинг баландлиги салкам 452 метрга тенг. Улардаги идоралар, дўконлар, кўрғазма ва конференция заллари, галереялар, ошхонаю кўнгил очар масканларнинг жами

майdonи 214 минг квадрат метрга етади. Бу 48 футбол майdonи демакки, «Петронас» корпорацияси асосий пудратчи сифатида унинг қурилишига 800 миллион АҚШ доллари сарфлаган.

Президент Ислам Каримовнинг ташрифига Малайзия раҳбарияти Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни юксак даражада қадрлашини яна бир бор намойиш қилди. Қирол Туанку Саййид Сирожуддин Жамаллуллайл давлати-миз раҳбарини Парламент майdonида расмий кутиб олган бўлса, расмий хайрлашув маросими учун Ислам Каримовни ўзининг «Истана Не-гара» саройига таклиф этди.

Шу тариқа Ўзбекистон Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги етакчи давлатлардан бири билан ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятлар очди, алоқалар пойдеворини янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Малайзия-ни сиёсий ҳамжиҳатлик, халқларимизни эса диний ва маданий қадриятлар бир-бирига яқинлаштириб туради. Иқтисодий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар майdonи мавжуд. Айниқса, нефть-газ, юқори технологиялар, энгил саноат, савдо ва сармоя соҳаларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Президент Ислам Каримовнинг Малайзияга давлат ташрифига ана шу бой ва мустаҳкам асосга эга ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариши шубҳасиздир.

**Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус муҳбири,
Тошкент - Куала-Лумпур - Тошкент**

тиқболли нави яратилди, айни пайтда ҳар йили 3-5 та янги нави давлат саноатига рақобатбардор.

— Бу катта ютуқ, чунки илгари янги нави яратиш ва жорий этишга 25-30 йил кетарди...

— Бугун биз бу жараёни қўзиб ўтира оламиз, чунки замонавий фан ва иқтисод жадал суръатда ривожланмоқда. Тўлганган назарий ва амалий тажрибадан фойдаланиш хўсбиға се-

тиқболли нави яратилди, айни пайтда ҳар йили 3-5 та янги нави давлат саноатига рақобатбардор.

— Бу катта ютуқ, чунки илгари янги нави яратиш ва жорий этишга 25-30 йил кетарди...

— Бугун биз бу жараёни қўзиб ўтира оламиз, чунки замонавий фан ва иқтисод жадал суръатда ривожланмоқда. Тўлганган назарий ва амалий тажрибадан фойдаланиш хўсбиға се-

нинг бошқа турдош йўналишларида комплекс тадқиқотлар олиб боришмоқда. Селекция усуллари тақомиллаштириш ва жадаллаштириш генетик тадқиқотлар, мутагенез ва жаҳон гўза фондини ўрганишни кенгайтириш, янги қимматли белгиларни излаш ва синтез қилиш ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун база вазирасини институтда тўлганган гўза коллекцияси ўтайди. Унда 12 мингдан ортук нав намунаси бор. Мустақиллик йилларида у анча бойиди, 35 мамлакатдан келтирилган намуналар билан тўлдирилди. Бу нобъ маълумотлар хазинасидан чет эллик олимлар ҳам кенг фойдаланмоқда.

Бугун фаолиятнинг изчиллиги, режаллиги ва пировардида самардорлиги кўп жиҳатдан мутахассисларга боғлиқ. Институтимизда нафақат республикада, балки хорижда ҳам таниқли бўлган селекционерлар меҳнат қилмоқда. Селекционер Автономовлар сулоласининг давомчиси, бир қатор маҳаллий ва хорижий лойиҳалар раҳбари Виктор Автономов, лаборатория мудири Роберт Ким ва Турар Холхўжаев шулар қаторидандир. Бу олимлар ўнлаб навларни яратган ва районлаштирган. Улар ўз ишларини давлат транслари ҳамда пахта етиштирувчи бошқа мамлакатлардаги ҳамкасблари билан бирга амалга ошириладиган илмий дастурлар доирасида олиб бормоқда.

Ўзбекистон пахтачилик фақат маҳаллий селекция навларига асосланади, бу навлар тегишлилиги, унумдорлиги, вилт ва бошқа касалликларга чидамлилиги, мамлакатимизнинг туپроқ-иклим шароитларига мослиги билан ажралиб туради. Институтда яратилган маркетинг хизмати бозордаги вазиётга қараб, ҳозир катта фойда берадиган гўзанинг у ёки бу навини деҳқонларга таклиф қилади. Олимларнинг тавсиялари қўра, жаҳон бозорига талаб катта бўлган ингичка толали навлар майdonлари кенгайтирилади.

1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси нафақат мутахассислар учун катта воқеа бўлади. Ўзбек пахтасини етказиб бериш бўйича катта шартномада тузилиши, бизнинг бозоримизда янги шерикларнинг пайдо бўлиши мамлакатимиз иқтисодиётига қўшмача инвестицияларни жалб қилиш, халқимиз фаровонлиги йўлида унияна-да жадал ривожлантиришга ёрдам беради.

**ЎЗА муҳбири
А.ИВАНОВА сўхбатлашди**

1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси атрафасида

ОЛИМЛАР ПАХТА СИФАТИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА



Ҳозирги кунда Ўзбекистон жаҳонда пахта экспорти бўйича иккинчи ва унинг етиштириш бўйича олтинчи ўринни эгаллайди. Республикада мамлакатимиз учун аънаваный бу экиннинг бир қатор навлари етиштирилади ва улар тола сифатининг юқорилиги билан ажралиб туради. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари тўқимачилик корхоналари бундай толали сотиб олишдан манфаатдор. Экспорт географиясини янада кенгайтириш, янги катта шартномалар тузиш — 1-халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасининг мақсади ана шундан иборат. Илгари хабар қилингандек, у 10-11 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтади. Ярмаркани Ўзбекистон ҳукумати ва пахтачилик саноати бўйича дунёда энг нуфузли наشرлардан бири «Cotton Outlook» ташкил этди.

борига катта ишонч қозонган «С-6524», «Наманган-77», «Оқдўрон-2», «С-4727» навлари ҳамда яқинда яратилган ва давлат синовидан ўтказилаётган, истиқболли бўлгани учун 2006 йилда 1 минг гектар майdonда экилиши режалаштирилган «С-6541» нави ҳавола этилади. Уларнинг ҳаммаси тола сифатининг яхшилиги, юқори ҳосилдорлиги билан ажралиб туради ва охириги нави истисно қилганда, ҳаммаси республикада районлаштирилган ва кенг кўламда экилмоқда. Масалан, «С-6524» нави 2002 йилда 270 минг гектар майdonга экилди. У 4-тип тола сифатига эга бўлиб, одатда жаҳон бозорига унинг нархи Ўзбекистонда етиштириладиган бошқа ўрта толали навларга нисбатан 30 фоиз юқори. Таъкидлаш жоизки, мамлакат ичиди ҳам «С-6524» ва «Наманган-77» навларининг толаси юқори сифатли бўлгани учун нархи дунёда қўшмача белгиланган. Ингичка толали навлардан «Сурхон-9» ни айтаиб ўтиш жоиз, у жуда тезпишар бўлиб, вегетация даври 117-120 кун, ҳосилдорлиги гектаридан 60 центнерга, толасининг узунлиги 40-41 миллиметрга ва микронейри 3,9-4,1. Ҳозир кўпгина зараркунанда хашаротларга чидамли бўлган бу нав Сурхонда ва Наманган вилоятларида муваффақиятли етиштирилмоқда.

Умуман олганда, сўнгги йилларда институтда гўзанинг 20 дан ортук ис-

лекционерларимиз янги навларни яратиш ва жорий этиш мурдатини деярли уч баравар қисқартиришга эришди. Айтиш керакки, институтдаги «Фитотрон» иссиқхона мажмуида ўтказилган тадқиқотларсиз бундай натижаларга эришиш бўлмасди. Бу ерда яратилган шароит селекция жараёнини тезлаштириш, бир йилда гўзанинг учта генерациясини олиш, селекция ва уруғчилик операцияларини уйғунлаштириш имконини беради. «Фитотрон» — Марказий Осиёда ягона иссиқхона мажмуи бўлиб, 2,15 гектар майdonни эгаллайди. Бундан ташқари, институти-миз Ўзбекистоннинг турли ҳудудлари — Тошкент, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида яна 4 та тажриба базасига эга.

— Яшин Омонович, Гўза селекцияси ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтида амалга оширилаётган тадқиқот ишлари ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам, селекция ва уруғчилик бўйича ҳамма ишларнинг асоси илмий тадқиқотлардир. Улар давомда ҳарорат, ёруғлик, экология ва агротехника омилларининг гўза ривожланишига, уруғларнинг шаклланиши ва тола сифатига таъсири аниқланади. Энг илгор технологиялар, шу жумладан электрон микроскоплар, компьютерлар ишлатилади. Биотехнология, физиология, биокимё ва фан-

Иқтисодий

СОҲА
ХОДИМЛАРИ
УЧУН

Табийи чарм махсулотлари ўзининг сифати ва чидамлилиги билан ажралиб туради. Айниқса, тоза чармдан ишлаб чиқарилган пойабзаллар харидорини топиши, шубҳасиз.

Шуни назарда тутиб ва бозор талабларидан келиб чиқиб фаолият юритишга интилаётган «VISO» Ўзбекистон-Австрия қўшма корхонасида сифатли ва иқлим шароитимизга мос эркаклар оёқ кийимлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда тайёрланаётган махсус оёқ кийимлари ҳар бир соҳа ходимининг иш шароитидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган арзон, қулай, чидамли оёқ кийимлари замонавий пойабзал чиқариш ускуналари ҳамда маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиб тайёрланмоқда.

Таъриба-синов лабораториясида назоратдан ўтган пойабзаллар ишлаб чиқаришга жорий этилди. Ҳозирда корхонада 70дан ортиқ пойабзалларнинг модели яратилган бўлиб, улар давасмуға қараб ишлаб чиқарилади. Бунинг учун эса маркетинг ишлари олиб борилади, яъни бозор ва харидор талаб ва эҳтиёжи ўрганилади.

Буюртмаларни ўз вақтида адо этаётган ва пойтахтимиздаги йирик савдо дўконлари орқали махсулотларини харидорларга етказиб бераётган корхона тadbиркорлари изланишларининг самарасини келгусида экспорт имкониятларида қўришни истайди. Шу боис ҳам ҳозирда янги моделлар устида изланишлар давом этмоқда.

РАҚОБАТБАР-
ДОШЛИГИ БИЛАН
АЖРАЛИБ
ТУРАДИ

Рақобат кучли бўлган жойда, албатта, махсулот ва хизмат сифатига эътибор юқори бўлади. Негаки сифат харидор қақариши бежиз эмас.

Бозор иқтисодиётининг ана шу талабини яқши тушуниган «DECORIMEX» Ўзбекистон-Америка корхонасида ҳам импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёларини тайёрлаш йўлга қўйилган. 5 йиллик фаолияти давомида улар ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди. Улар томонидан тайёрланаётган иситиш радиаторлари, безак панеллари, дераза ромлари ва турли хил жалюзиларга талаб юқори. Корхонанинг қулай, енгил алюминий радиаторлари рақобатбардошлиги билангина эмас, балки хондонларга кўрк бўлиши билан ҳам ажралиб туради. У экологик тозаллиги, бўёқ ҳидини чиқармаслиги, чанг тўпلامаслиги билан ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида корхонада кўргазмалар зали ташкил этилган бўлиб, бюртурчилар бу ерда тadbиркорларнинг изланишларидан воқиф бўлишади.

Шарифа ИЛЁСОВА

Пойтахтимиздаги «Ўзқўргазмасавдо» павильонида умумий ўрта таълим мактабларини меъёри ва бошқа ўқув жиҳозлари билан таъминлашга қаратилган «Таълим-2005» кўргазмаси очилди. У Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилди.

МАКТАБ
ЖИҲОЗЛАРИ
КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон халқ таълими вазири Т.Жўраев кўргазма очар экан, мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурида умумий ўрта таълим масканларини замонавий ўқув ва спорт жиҳозлари билан таъминлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилганини таъкидлади.

Юртбошимиз шу йил 29 апрелида пойтахтимизда ўтказилган мактаб жиҳозлари кўргазмасида таълим сифатини ошириш, фарзандларимизга пухта билим бериш, таълим масканларини жаҳон андозлари даражасидаги меъёри, техника, лаборатория ҳамда спорт анжомлари билан таъминлаш юзасидан муҳим тавсия ва кўрсатмалар берган эди. «Таълим-2005» кўргазмаси ана шу кўрсатмалар асосида ташкил этилди.

Кўргазма халқ таълими тизимиде бу борада эришилган ютуқлар, педагогика соҳасидаги янги услуб ва технологиялар амалиётда қандай татбиқ этилаётганидан мутахассислар ва кенг жамоатчиликни таништириш, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш имконини беради. Бу ерда юртимиз корхоналари билан бирга Германия, Россия каби давлатларнинг мактаб жиҳозлари ишлаб чиқарувчи компаниялари махсулотларига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўргазмада мамлакатимизнинг «Олмалиқмебель» масъулияти чекланган жамияти, «Қанот Invest» фирмаси, Самарқанддаги «Эл-холдинг» корхонаси ва бошқа кўпжа ра корхоналарда ишлаб чиқарилган мактаб ўқув-лаборатория жиҳозлари, меъёллари, спорт анжомлари билан танишиш мумкин.

Шу билан бирга кўргазмада ўқувчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва соғлигини сақлаш, қўлтарбия жараёнига оид ахборот ва услубий қўлланмалар, ўқув адабиётлари ва илмий нашрлар ҳам педагоглар, ота-оналар эътиборига ҳавола этилган.

Кўргазма 7 октябргача давом этади.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Ўзбек адабиёти оғир жудолука учради. Ўзбекистон Қахрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти соҳиби, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, профессор Озод Обидович Шарафиддинов узок давом этган халқидан сўнг 76 ёшида вафот этди.

Озод Шарафиддинов 1929 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1951 йилда Ўрта Осиё давлат университети /ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети/нинг филология факультетини битирган, Москвадаги Жаҳон адабиёти институтининг аспирантурасида тахсил олиб, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Озод Шарафиддинов адабиётга ўтган асрнинг 60-йилларида ўзига хос овози билан қириб келди. Унинг бадиий адабиёт муаммоларига бағишланган ўткир мақолалари, айниқса, «Замон, қалб, поэзия» китоби ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирди. Олимнинг талабчанлик руҳида, жўшқин қалб харорати билан ёзилган адабиёт танқидий асарлари, атоқли ўзбек адиб ва шоирлари ҳақида яратган теран илмий тadbиротлари адабиётимиз ривожига катта ҳисса қўшди.

У ёш истеъдод эгаларини тарбиялаш ва уларни камолотга етказиш борасида ҳам ибратли фаолият олиб борди. Олим кўрк йил давомиде Ўзбекистон Миллий университетиде мекрибон устоз, жонкуяр педагог сифатиде самарали хизмат қилди.

Озод Шарафиддинов 1996-1997 йилларда «Тафаккур» журналининг бош муҳаррири ўринбосари, 1997 йилдан то умри-

нинг охиригача дар «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири лавозимларида меҳнат қилди. Бу давр мобайнида у ўзини моҳир раҳбар ва истеъдодли таржомон сифатида ёрқин намойён этиб, журнал саҳифалари орқали халқимизни дунё адабиётининг нодир намуналаридан баҳраманд этишда жонбозлик кўрсатди.

У айниқса истиқлол йилларида қатъият ва фидойилик билан ижод қилди. Оғир хасталигига қарамай, адиб ва публицист сифатида «Истиқлол фидойилари», «Чўлпонни англаш», «Довондаги ўйлар», «Президент», «Ижодни англаш бахти» каби салмоқли асарлар яратди.

Озод Шарафиддиновнинг эл-юртимиз олдидеги катта хизматлари муносиб тақдирланди. У «Ўзбекистон Қахрамони», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларига, «Меҳнат шўхрати», «Буюк хизматлари учун» орденларига сазовор бўлган эди.

Бутун ҳаётини илим-маърифат ва маънавиятга бағишлаган заҳматқор олимнинг ўлмас асарлари, сермазмун ҳаёти ёш авлоднинг тарбиялашда юксак намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўзбек халқининг фидойи фарзанди Озод Шарафиддиновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Э.ХАЛИЛОВ,
Ш.МИРЗИЁЕВ, Х.СУЛТОНОВ, Р.КОСИМОВ,
А.ОРИПОВ, САИД АҲМАД, Э.ВОҲИДОВ

2004 йил июнда Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) аъзолари мажлисида ХХР Эксимбанки томонидан Ўзбекистон Республикаси учун 300 миллион АҚШ доллари миқдориде имтиёзли кредит ажратилишига келишиб олинган эди.

Кредит маблағларининг 14 миллиони республика телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва таркомиллаштириш, жаҳон стандартларига мослаштиришга йўналтирилди. Бунда алоқа ва ахборотлаштириш тармоқларини ривожлантириш республика иқтисодий салоҳиятини кучайтириш ва жаҳон иқтисодий ҳудудига тезда интеграциялашуви учун асос яратиши ҳисобга олинди.

2004 йил 19 июлда Ўзбекистон ҳукуматининг Хитой Халқ Республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ЎзААА) бўйича 20 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган.

Агентлик «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси мутахассислари билан биргаликда барча зарур ҳужжатларни тайёрлади. 2005 йил май ойида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Хитойга ташири чоғида, ХХР Эксимбанки билан «Ўзбектелеком» АК ўртасида телекоммуникация тармоқларини, реконструкция қилиш ва кенгайтириш лойиҳаси бўйича 9,4 минг АҚШ доллари миқдориде кредит битими имзоланди.

Шартнома умумий қийматининг 15 фоизи «Ўзбектелеком»нинг ўз маблағлари ҳисобидан, 85 фоизи эса ХХР Эксимбанки томонидан қопланади.

«Ўзбектелеком» АК телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишларини Хитойнинг «Хуавей Техноложис» компанияси коммутация ускуналари асосида бажаришга қарор қилинди. Бу компания жаҳон телекоммуникация бозори-

монавий телекоммуникация хизматлари кўрсатиш имконини берадиган рақамли станцияларга алмаштирилади.

Бундан ташқари, мазкур лойиҳа доирасида Андижон, Тошкент вилоятлари шаҳарларида иккита шаҳарлараро, Қўқон ва Термизда эса иккита халқаро телефон станцияси ишга туширилади. Андижон ва Тўйнепада шаҳарлараро телефон станцияларининг ишга туширилиши алоқа хизматлари қўламини кенгайтириш, Қўқон ва Термиздаги халқаро телефон станциялари эса юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва мавжуд ускуналардан фойдаланиш самардорлигини ошириш имконини беради.

Лойиҳа амалга оширилгач, Ўзбекистон Республикасида рақамли коммутация станциялари билан қамров даражаси 65 фоизи тақвият этади. Шартномага мувофиқ «Хуавей Техноложис» томонидан телекоммуникация ускуналари 100 фоиз Тошкент шаҳрига етказиб берилди ва уларни объектларга ташиш бошланди. «Ўзбектелеком» АК монтаж ишларини бажариш учун 487,7 миллион сўм маблағ сарфлади.

Ушбу лойиҳани белгиланган муддатда амалга ошириш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ҳар ҳафта ваколатли шахслар иштирокида селектор кенгашиларини ўтказиш ташкил этилди. Кенгашиларда ишчи гуруҳ томонидан лойиҳага оид барча муаммолари масалалар қўриб чиқилмоқда ва ҳал этилмоқда.

ЎЗА

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»:

ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР

Республика иқтисодиётини ва умуман, жамиятни жадал ривожлантириш учун ахборот технологиялари, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситалари тобора кўпроқ зарур бўлади. Бу тизимларни ривожлантириш мамлакатимизда устувор йўналиш деб эътироф этилган. Президент Ислам Каримов ташаббусига кўра, мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

да энг йирик ишлаб чиқарувчилардан бири саналади.

Амалга оширилаётган лойиҳа бош кредит битимда кўзда тутилган 20 та лойиҳанинг биринчиси ҳисобланади. У бажарилгандан сўнг умумий сўми 320 миллион портдан иборат бўлган 112 та рақамли телефон станцияси ишга туширилади, шу жумладан Андижон вилоятида — 16 та рақамли телефон станцияси, Наманган вилоятида — 20 та, Фарғона вилоятида — 18 та, Тошкент вилоятида — 12 та, Сирдарё вилоятида — 6 та, Жиззах вилоятида — 13 та, Самарқанд шаҳрида — 9 та, Самарқанд вилоятида — 14 та.

Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидаги барча туман марказлари телефон станциялари кенг қўламли за-



Солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқлар қийматини камайтириш ҳамда солиқ инспекцияларида солиқ тўловчиларга қулай шароитлар яратиб бериш борасида талай изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, иқтисодийтемиз барқарорлигини таъминлашга Учтепа туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Туман солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилётган ишлар юзасидан тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида ушбу идорага борганимизда туман солиқ инспекцияси бошлиғи Азиз Эрматов иштирокида инспекция ходимлари ва хўжалик юритувчи субъектлар билан "Излаган имкон топади" мавзусида семинар ўтказилганнинг устидан чиқдик.

— Мен 14 йилдан бери шу соҳада ишламан — дейди Учтепа туман солиқ инспекцияси бошлигининг биринчи уринбосари Дилшод Файзуллаев. — Бугунги кунда инспекцияда 146 нафар малакали ходимлар фаолият юритмоқдалар. Ҳар қандай мамлакат ўзининг мустақам молиявий пойдевориغا суюнади. Солиқ давлатнинг ана шундай асосларидан биридир. Инспекция-мизнинг асосий вазифаларидан бири корхона, ташкилот, муассаса, тadbirkorлар ва фуқаролардан солиқларни тўри тўлашларини назорат қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш, иш фаолиятига тўри йўланмалар беришдан иборатдир. Туманимизда бугунги кунда фаолият юритиб келаётган 1699 та корхонанинг 1054 таси микрофирма ва кичик корхоналар ҳисобланади. Шунингдек, ялли даромад солиғини тўловчи корхоналар 524 та, умумий белгиланган солиқ тўловчилар 104 та, ягона солиқ тўловчилар эса 592 тани ташкил этади. Ягона солиқ тўловчи корхоналардан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича пенсия жамғармасига, йул ва солиқ тўловчи корхоналардан жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича пенсия жамғармасига, йул ва мактаб таълимини ривожлантириш фондларига 199 миллион 677 миң сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар ҳисобланган. Туманимизда тadbirkorларнинг рухсат гувоҳномасини олиб, чакана савдо, умумий овқатланиш, пуллик хизмат кўрсатиш турлари билан шуғулланиб келаётган корхоналар сони бугунги кунда 341 та. Умумий овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатиб келаётганлари сони 136 тадир. Уларнинг халқимизга тегишли даражада хизмат кўрсатишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Солиқ хизматининг вазифаси фақат солиқларни унди-

риш бўлиб қолмай, балки солиқ соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тadbirkorларга ҳукумат қарорларининг моҳиятини тушунтириш ва тарғиб қилишдан ҳам иборатдир. Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодийтемиз янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тadbirkorлари тўғрисида"ги Фармонлари ва шу йўналишдаги Қарорлари асосида туманимизда жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида давлат бюджети даромадларига белгиланган режа кўрсаткичлари ортиги билан бажарилган.

Инспекцияимизда ушбу вақт мобайнида давлат бюджетига жами 11262785,3 миң

лий тadbirkorлар амалга оширилган. Контрабанда молларнинг туман ҳудудига, асосан "Карвон бозори" улгуржи савдо мажмуаси акциядорлик жамияти ҳудудига кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш борасида ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўтказилган назорат тadbirkorлари натижасида жорий йилнинг 23 сентябрь ҳолатига 363 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланиб, умумий қиймати 126 миллион сўмлик ҳеч қандай ҳужжати ва сифат сертификати бўлмаган контрабанда моллари олиб қўйилди. "Карвон бозор" мажмуаси ҳудудига ўтказилган рейд-текширув тadbirkorлари натижасида эса жорий йилнинг ўтган саккиз ойлигида 182 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 55569,6 миң сўмлик контрабанда моллари мусодара қилиниб, олиб қўйилган, товар моддий бойликларнинг 122,6 миллион сўмлиги туман судига ижро учун юборилган. Шундан 48,3 миллион сўмлиги туман суд ижрочилари томонидан давлат ихтиёрига мусодара қилиниб, 45,2 миллион сўмлиги сотилган.

Бугунги кунда туманда 4 та солиқ таянч пунктлари фаолият юритмоқда. Ўтказилиб турилган семинарлар эса солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, солиқлар нима мақсада ййгилаётганини тушунтириш, даромадни яширишига уринмаслик, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда кичик ва хусусий бизнес ривожланишини рағбатлантириш кучайтириш, тadbirkorлар фаолиятини фаоллаштириш учун уларнинг қонуний ҳуқуқ ва хусусий тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, солиқ органлари томонидан ҳар томонлама шароитлар яратиш, асосийси — солиқ маданиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда тажрибали инспекция ходимларидан Улугбек Қиличев, Зокир Алимов, Садриддин Муталов, Азиз Восиқов ва бошқалар ўз ишлари билан ҳамкасбларига ўрнатилган.

Сўзимизни мухтасар қилган ҳолда шунга айтишимиз мумкинки, қаердаки раҳбар изланувчан, қатъиятли ва заҳматқаш бўлса, ўша ерда унум, барака ва ҳамжиҳатлик, фаоллик ҳукмрон бўлади. Азиз Эрматовнинг фаолиятини бошлаганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Аммо ўн йилдан ошқ иш тажрибаси ва билимига сўянган ҳолда Учтепа туман солиқ инспекцияси фаолиятини янада ривожлантириш борасида келгуси яна ҳам самарали ишларни амалга оширишига ишонамиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТДА: Учтепа туман солиқ инспекцияси фаолиятдан лавҳалар. Ҳақимжон Солиқов олган суратлар.

Солиқ инспекцияларида

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Солиқ солиш назариясининг асосчиларидан бири Адам Смит "Солиқлар уларни тўловчилар учун қарамлик эмас, озодликнинг аломатидир" деган эди. Ва яна солиққа солишнинг тўртак асосий принципларини баён қилган эди. Булар "тенглик, аниқлик, қулайлик, арзонликдир".

сўм солиқ ва тўловлар, бюджетдан ташқари нафақа жамғармасига 4873600,0 миң сўм, республика Йул жамғармасига ажратма 1007300,0 миң сўм ва мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига 609300,0 миң сўм тўловлар ундирилиши таъминланган.

Дарҳақиқат, Учтепа туман солиқ инспекцияси ходимлари аниқ режалар асосида бирмунча самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, нақд пул тушумини кўпайтириш ва банкдан ташқари айланмасини чеклаш юзасидан белгиланган башорат кўрсаткичлари ҳар ойда ортиги билан бажарилмоқда. Нақд пул тушумини кўпайтириш борасида туман ҳудудига жойлашган 3053 та хўжалик субъектларида хронометражлар ўтказилган. Бунинг натижасида нақд пул тушумининг 179666,8 миллион сўмга кўпайишига эришилган.

Шунингдек, туманда контрабанда молларининг кириб келиши, сақланиши ва сотилишининг олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига асосан бир қанча назорат ва ташки-

Санъат

ЖИДДИЙ ТАРАДДУД

Австрия пойтахти Вена шаҳрида энг яхши спектакллар танлов-кўриги бўлиб ўтди. Бундай нуфузли ижодий кўрикда Тошкентдаги "Илҳом" театри томонидан тақдим этилган "Самодаги Машраб" деб номланган постановка ҳам юқори баҳо олди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг намояндаси Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодига бағишланган мазкур сахна асари ўзининг режиссураси билан ҳам ажралиб туради. Буни инобатга олиб, ташкилий қўмитта спектаклни келгуси йили Венада уюштирилаётган энг яхши театрлар халқаро фестивали дастурига киритди.

"Парвоздаги Машраб" постановкаси халқаро фестивал олдидан яна бир неча бор жиддий ишланади.

ТЕАТР БИЛАН ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

Таниқли композитор, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг профессори Дмитрий Янов-Яновский сахна асарларига ҳам кўплаб мусиқалар ёзган. Ўзбекистон Ёшлар театри билан ҳамкорликда ҳам бир неча постановка мусиқалари юзга келди.

Театр репертуридан ўрин олган "Гугуртли киз", "Малика Турандот", "Умар Хайём буржи", "Холстомер" каби спектаклларга ёзилган мусиқалар ўз оҳангдорлиги ва жозибаси билан томошабин эътиборини ўзига тартади.

Хозирда театр янги постановка устида ишланмоқда. Машҳур драматург Мольернинг "Тартюф" деб номланган бу асари учун ёзилган мусиқа ҳам композиторнинг ижодий ютуғи бўлди.


ЁРУФ ЮЗ БИЛАН

Бундан 50 йил аввал билим ва маҳорат масканига асос солинган эди. Атоқли бастакор Толибжон Содиқов номи билан аталаётган бу Тошкентдаги биринчи мусиқа мактаби ҳозир республикамиздаги йирик санъат даргоҳига айланган.

Ўтган ярим аср мобайнида мактаб кўплаб истеъдодли ёшларни мустақил ижод сари йўллади. Уни муваффақиятли битирган умидли ёшлар эса бугунги кунда устоз санъаткорлар бўлиб етишдилар. Уларнинг айримлари қўшни республикаларда ўз ижрочилик маҳоратларини намоён этишмоқда.

Шу сана муносабати билан "Эллик йил: изланиш, тараққиёт ва маҳорат" деган мавзуда байрам томошаси дастури тайёрланди.

Акбар АЛИЕВ



Йил боши хайрли кечди. У Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасига тўғри келди. Табиийки, "Оқшом" газеталарининг диққат-эътибори шу сиёсий кампанияга қаратилди. Ўша йилги саҳифалари бирма-бир варақлардан киши бу гапнинг тўғрилигига тўла ишонч ҳосил қилади. Тахририятга газетхонлардан келган хат-хабарлар оқимининг асосий қисмини ҳам шу санага бағишланган мактублар ташкил этди. Уларда мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тобора яқинлашаётгани, ҳар бир киши ўзининг Конституциявий бурчини адо этажаги — XXI асрда юртимизга, халқимизга бош бўладиган раҳнамоимизни сайлашимиз баён этилар, шунингдек мактубларда буюк келажагимиз раҳнамоси Ислам Каримов учун овоз бериш иштиёқи ўзининг ёрқин ифодасини толган эди.

Бўлиб ўтган воқеаларни чуқур таҳлил этган сари уларнинг халқ, Ватан тақдирини ҳал қилувчи аҳамияти, жамиятимизда демократик тамойиллар тантанаси йўлидаги салмоқли қадамлар моҳияти бор бўйбаста билан кўз ўнгимизда тобора равшанроқ намоён бўлаётганини теран тушунаётганимизни ҳис этамиз. Ҳақиқатан ҳам республика Олий Мажлиси ҳам Президентликка бўлиб ўтган сайловларда биз ҳаммамиз яна бир бор ҳақиқий демократия шабадаларини тўла ҳис этдик.

Ҳар йили газетамиз аънаёна кўра, янги рунлар билан бойиб боради. 2000 йил ҳам бундан мустасно бўлмади. "Шаҳримиз тарихига бир нигоҳ" шу йилнинг энг яхши рунларидан бирига айланди. Тошкент ўтмиш тарихий даврларда Туркiston заминининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. У фан ва маданиятнинг умум таррақийёт ўчоқларидан бири сифатида шухрат қозонган. Аммо шахар ҳаёти ҳамиша кенг ва раван йўлдан бормай, бошидан кўп фалокат ва вайроннагарчиликларни ҳам кечирган. Хатто ҳалокат ёқасида турган вақтлари ҳам бўлган. Аммо халқнинг ватанпарварлиги, жасорати ва меҳнатсеварлиги тўғрисида шахар ҳалокатдан кутқарилиб, тараққиётга эришди. Унинг аҳолиси чет эл боқинчиларининг таъвозу ва ҳукмронлигига қарши курашларда ҳам қарама-қарши ва Ватанга содиқлик намуналарини намойиш этди. Мустақиллик ва озодлик гоғлари ҳамиша қайнаб, она-юрт нафақатлари учун нимаки зарур бўлса, барчаси амалга оширилди. Хуллас, тошкентликлар кўп асрлик тарихи давомида мустақилликни ҳаётнинг рамзи ҳисоблаб, бунинг учун жонларини ҳам, молларини ҳам ямадилар. Тошкент ўзбек халқининг эрксеварлиги, жасорати, меҳнатсеварлиги ва Ватанга содиқлигини ифода этувчи шахарга айланди. У халқимизнинг тақдирини ва тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда.

Янги рун ана шу хусусиятлардан келиб чиқиб, газета юзини кўрди. Унинг зиммасига Тошкентнинг ўтмиши ва ҳозирги замон тарихини ёритиш вафазиси тушди. Бу туркумдаги биринчи мақола профессор Ҳамид Зиёев қаламига мансуб бўлиб у "Тошкентнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши" деб номланди.

"Огоҳлик — муқаддас бурч", "Эркинлаштириш — олга интилишимиз қафолати" рунлари ҳам йилнинг долзарб рунларидан бўлди. Назаримизда, уларни шарҳлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Ўйлаймизки, эзко газетхон ушбу рунлар мазмунини ҳам унинг йўналишини тушуниб олади.

Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш масаласи ҳамиша "оқшом"нинг диққат-эътиборида бўлиб келди. Агар 2000 йилда бу борада эришган ютуқларимизни таҳлил қиладиган бўлсак, айтиш мумкинки, мамлакатимизда, хусусан шаҳримизда иқтисодий ўсиш таъминланди. Молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлашга эришилди. Ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро тўлов механизми анча мустаҳкамланди.

Газета 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вази́рлар Маҳкамаси мажлисида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўз саҳифалари-

да бир қатор мақолаларни эълон қилди. Унда нафақат журналистлар, балки, шу соҳанинг билимдонлари ҳам фаол иштирок этишди. Хусусан, "Эркинлаштириш — тараққиётимиз гарови", "Эркинлаштириш — олга интилишимиз қафолати", "Давр тақозоси", "Эркинлаштириш йўлидан", "Банк ва тадбиркор — ҳамкор шериклар", "Дилдаги гаплар", "Янги изланишларга ундайди", "Иқтисодий тизим раванқига хизмат қилади" каби мақолалар шулар жумласидандир.

"Соғлом авлод — миллатимиз келажаги" рунки ҳам ўша йилнинг кенг қамровли рунларидан бири бўлди. Йилнинг Соғлом авлод йили деб аталishi ва шу ҳақдаги давлат дастурининг эълон қилиниши ўз-ўзидан газетда шундай руннинг пайдо бўлишига олиб келди. Мана шу рун остида берилган материалларда асо-

сонида Навоий бобомизнинг 559 йиллигига бағишлаб эълон қилинган саҳифаси фикримиз далилидир.

Ҳар йилнинг 9 феввали ва 9 апрели халқимиз, айниқса ижодкорларимиз учун алоҳида байрам эканлигини ҳам таъкидлаб ўтмоғимиз керак. Сабаби, 9 февралда улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобомизнинг таваллуд толган кунларини нишонлаймиз. Шу кунни устоз шоир номи билан аталувчи Миллий богда қад кўтарган алломанинг ҳайкали атрофига навоийшунос олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, талабалар тўлланадилар. Улар устозни ёд этиб, унинг бебаҳо ва дурдона асарлари ҳақида фахр ва ифтихор туйғуларини ила сўзлайдилар. Ҳайкал пойига гулчамбарлар қўядилар.

9 апрель кунни эса худди ана шундай тантана Амур Темур хиббониди бўлиб ўтади. Йилгиланган буюк Соҳибқирон хотирасини ёдга оладилар.

Халқимиз шу йилнинг 12 майида яна бир қувончли маросимнинг гувоҳи бўлди. Шу кунни пойтахтимизнинг Бўзсув канали қирғоғида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида мустамаккачилик даври қурбонлари хотирасига барпо этилган "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлди.

Кундай ётга, оппоқ тилаги, Куч-қувватга тўлган билаги, Эл-юртим деб, урган юраги, Шахидларга қиламиз таъзим.

Шу кун ана шундай сўзлар билан шахидлар руҳи олдига бош эгдик.

Соғлом авлод йилида Тошкент шаҳрида ҳам аънаёна кўра қатор режалар белгиланди. Шунга биноан, шу йилда 10344 ўришли касб-хунар коллежлари бунёд этилиши ва фойдаланишга топширилиши кўзда тутилди. Шунингдек, метронинг Юнусобод линиясининг биринчи навбатини фойдаланишга топшириш ишлари жадаллаштирилди. Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб Кайковус ариғига қараб ўтиш йўлини ниҳоясига етказиш, Матбуотчилар кўчасидаги қурилишларни яқунлаш, Навоий кўчасидаги трамвай линиясини Амур Темур кўчасидан Хадра майдонигача қайтадан ўтказиш, Ўзбекистон шохкўчасини Мовароуннахр кўчасидан то Шароф Рашидов шохкўчасигача трамвай линиясини олиб ташлаган ҳолда таъмирлаш, шунингдек, Шаҳри кўчасидан то Оққўрғон кўчасигача трамвай линиясини олиб ташлаган ҳолда таъмирлаш кўзда тутилди. "Наврўз" акциядорлик жамияти мажмуида доимий хизматда бўладиган концерт майдончасининг биринчи навбатини Наврўз байрамигача бунёд этиш кўзда тутилди. Шунингдек Юнусобод туманида мустабид тузум пайтидаги қурбонлар хотирасига ёдгорлик мажмуининг бунёд этилиши режалаштирилди.

Биз юқоридаги режаларни бежиз келтирмадик. Чунки уларнинг ҳар бири "Оқшом" газеталари учун долзарб мавзу эди ва йил давомида шу режаларнинг қандай бажарилаётгани муҳбирларимиз томонидан тезкор тарзда ёритиб турилди.

Умуман йилимиз буюк бобоконларимизнинг табаррук айёмларига бой бўлди. Шу йили Самарқандда муқаддас динимизни асраб-авайлашга беназир ҳисса қўлган яна бир улуг сиймо Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги бутун республикамиз жамоатчилиги вакиллари, узоқ-яқиндаги хоржий давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокида кенг нишонланди. Кўна Марғилонда буюк бобомиз Бурхониддин Марғинонийнинг таваллуд айёми ўтказилиб, ул зотнинг руҳи покларини шод этдик.

Хулоса қилиб айтганидан бўлсак, "Оқшом" газеталари ўз фаолияти давомида ўқувчиларга маъқул ва манзур бўладиган, улар қалбига яқин бўлган мазвуларни ёритишга алоҳида аҳамият берди. Ўз саҳифаларида теша тегмаган мазвуларни ёритиб, уларни янги-янги рунлар билан бойитди.

XX асримиз ниҳоясига етиб, XXI аср билан тўқнашадиган кунимиз яқин экан, албатта, ўтган юз йилликда рўй берган кўнгилсиз воқеа ва ҳодисалардан кўз юмиб, унинг бизга бахш этган яхшиликларини ёдга олиб ҳайрлашдик. "Ҳайр XX аср, салом кириб келаётган янги юз йиллик", дея бугунги ёрқин кунимизга қадам ташладик.

Маҳмуд КОМЛҶОНОВ

Шарқ дурдонлари

Оз-оз ўлганлиб доимо бўлув...

● Уч киши борки, уларнинг баданни ёки жони доимо азобда бўлади. Биринчиси, ҳеч бир қуролсиз, менга етиб келмайди деб, душман сафига ўзини урган жангчи. У жангда ўлмас ҳам бирорта душман қиличидан заҳм ейтиши мумкин-рардир. Иккинчиси, ёш ва соҳиб-жамоат хотинга уйлانган қари киши. Ёш хотин уни заҳарлаб ўлдирмаган ҳолда ҳам ёш ва чиройли йилгиларга таъма қўзи билан қарайди. Учинчиси, бола-чақаси бўлмаган пулдор киши. Уни гарчи ўғиллар ўлдириб кетмасда, унинг ўзи бойлигини кимга қолдириш ҳақида қайғуриб, азобда ўтади.

● Уч киши истеҳзода ва маскаралашга сазовордир. Биринчиси, жанг майдонига ботирлар қаторида тушиб, кўпгина душманни қиличдан ўтказдим, деб лоф урса-да, бирор жойида на тилиниш ва на заҳм бўлмаган киши. Иккинчиси, илму ҳикмат йўлида ўзининг беҳад риёзат чекаётганини мактаган, аммо семиз ва юзлари қил-қизил бўлган киши. Учинчиси, ўзининг қилмиги ҳақида мактаниб, бирор киши ўзи билмаган нарса ҳақида савол берса, саволдан қўрқиб, даҳшатга тушган киши!

● Уч киши доимо ғаму андуҳга гириқтордир. Биринчиси, уқур оти бору аммо уни минолмаган ва минингга қўрққан киши. Иккинчиси, дастурхонда хилма-хил лазиз таом бору аммо уни ейтишинг урдасидан чиқмаган иштарҳис киши. Учинчиси, соҳибжамоат хотини бўлиб, ўзи хунук ва касал бўлган киши.

● Келтиришларича, Абузаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн далдаси ҳақида ҳикоят қилиб, шундай деган:

— Дадам бир кун менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатчилик қилма, улар билан ҳеч қанон сўхбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» — деб сўрадим. Дадам: «Биринчиси фисқу фужур аҳли! Улар сени ҳақ орасида расво ва шарманда қилади. Бир улма нарса учун сени сотишдан тўймайди. Уларнинг бир қисми лўқмапарастлардир. Уларнинг одати шаки, севдан бирон нарса тама қилдилар. Агар бермасанг, оқзини мойламасанг, халқ ичиди ёмон гап таркатади, обрўингни туширади. Одамлар уларнинг гапига ишониб, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар!» — деди.

Мен иккинчи тоифани сўрадим. У деди:

— Иккинчиси баҳил ва хасислардир. Агар сени бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар сенга ҳеч қанон бермайдилар. Сеннинг молу давлатингга айландилар. Мен буни ўз бошимдан кечирганман. Пулим қўлигидан дўстларим қўп эди. Фақирликка тушганимда улар душманнига айланди, таъна тошини отишди! Дадам давом этиб деди:

— Уларнинг учинчиси ёлгончилардир. Қимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ бўл! Улар шаробга ўхшайдилар. Сени ўз яқинлариндан айириб қўядилар ва беғоналарга яқинлаштиришадилар. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, аҳмоқ ва нодон кишилардир. Улар билан бўлган сўхбат аста-секин кишига таъсир этади, тўри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади. Бешинчи тоифа қишлар лакма, лаванг ҳақда дилда меҳри йўқ кишилардир.

Эй, азиз, сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳамсўхбат бўлишга интип, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини ашитма! Сен юқоридаги ҳикоятни ўқидинг, унинг маъзини чақ, яхши дўстлар топшира урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

Спорт

**МУҲИМ
УЧРАШУВДА ДУРАНГ**

Аргентинада бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида бешинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди.

Бу гал ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ўзига яхши таниш рақиб — аввалги жаҳон чемпионатининг финалида ўзаро куч синашган англиялик халқаро гротмейстер Майкл Адамс билан баҳс юритди. Албатта, шахматда кўпроқ оқ донларда ўйновчи спортчилар омад кулиб боқади. Р.Қосимжонов қора донларни сурган бўлса-да, ўз бой маҳоратини намойиш эта олди ва томонлар дуранга имзо чекишиб 0,5 тадан очкога эга бўлишди. Шунга таъкидлаш жойизки бешинчи турда турнир пешқадами Веселин Топалов (Болгария) россиялик Пётр Свидлер устидан галаба қозониб 4,5 очко жамғарган ҳолда ўз макени янада мустаҳкамлаб олди. Қолган барча учрашувлар дурранг натижалар билан тугади.

Беш имкониятдан 2,5 очко жамғарган Рустам Қосимжонов ҳамон тўртинчи ўринда бормоқда.

**ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИ**

Маълумки, таэквондонинг ИТФ ва ВТФ каби икки йўналиши бор. Мамлакатимиз спортчиларининг ИТФ йўналиши бўйича халқаро мусобақаларда улкан муваффақиятларга эришиб келишганини муҳлисларимиз яхши билишсади.

Жанубий Кореяда таэквондонинг ВТФ йўналиши бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнир баҳслари мамлакатимиз спортчилари бу борада ҳам пешқадамлар қаторида эканликларини исбот этди.

42 мамлакат вакиллари қатнашган турнирда ҳамюртларимиздан Шерзод Қудратов ва Павел Хан хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Турнир финалига чиққан тўрт нафар таэквондончимизга иккинчи ўринлар насиб этган бўлса, иккита шарқ аккураши устамизи бронза нишонлари билан тақдирланди.

Бундай муваффақият спортчиларимизнинг умумжамоа ҳисобида учинчи ўринини эгаллашларига замин яратди.

(Ўз мухбиримиз)

«Нуроний» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими шахримиздаги уруш ва меҳнат фахрийлари номидан II жаҳон уруши фахрийси

**Ориф Олимович
ОЛИМОВНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этилади.



Tashkent open — 2005

**ЯНГИ ЮЛДУЗЛАР
КАШФ ЭТИЛМОҚДА**

Пойтахтимизда теннис бўйича WTA таснифидаги халқаро мусобақалар давом этмоқда.

Турнирнинг иккинчи куни мамлакатимизга ташриф буюрган спортчилар учун таассуротларга бой бўлди десак муболага бўлмайдимиз. Профессинал теннисда асосий эътибор яқна ўйинларга қаратилишини инобатга оладиган бўлсак, КЕЧАги баҳсларда деярли меҳмонларимизнинг имкониятлари синалди.

Тошкент турнирларида бир неча йиллардан буён қатнашиб келаётган испаниялик Арантха Парра Сантонжи кеча биринчи бўлиб Татьяна Путчекга қарши қорғта тушиб, ўйинни осонгина ўз фойдасига ҳал этди. Эслатиб ўтамиз, Татьяна Путчек ҳам мамлакатимизга биринчи бор келаётгани йўқ ва унинг мақсади ҳам, албатта, «Tashkent open» турнирида муваффақият қозониш эди. Лекин саралаш мусобақаларидан чиққан белоруссиялик спортчиға бу сафар ҳам омад кулиб боқмади.

«Квалифайн» орқали асосий турнирда қатнашаётган яна икки спортчи — Алёна Антурина (Украина) ва Винн Пракуса (Индонезия) ҳам биринчи давра беллашувлариданоқ мусобақани тарқ этишларига тўғри келди. Кўпчилик теннис муҳлисларимиз Пракуса яхши натижаларга эришишига умид қилгандилар. Биринчи сетни 6/4 ҳисобида ўтиб олган индонезиялик спортчи кейинги сетларда рақибни Барбара Стрицева (Чехия)нинг қули зарбаларига дош беролмасдан, мағлуб бўлди.

Лекин БУГУН бу чехиялик спортчининг турнирда бешинчи бўлиб сараланган Мишела Кражишек билан беллашуви кизгин кечади дейиш гўмон бўлиб турибди, чунки WTA таснифида 89-рақамни эгаллаб турган голландиялик теннисчи кеча яна бир чехиялик теннисчи Хана Сромовани анча чарчатиб қўйганди. Яна ким билсин, вазият кескин тус олиши ҳам мумкин. Спортчилар тили билан айтадиган бўлсак, олдиндан баҳорат қилиш қийин.

16 ўшли россиялик Евгения Родинанинг ўз ҳамюрти Татьяна Пановани 6/2, 6/4 ҳисобида

мағлуб этгани кўпчиликни ҳайратга солди. Турнирда «вайлд кард» билан иштирок этаётган Е.Родинанинг 474-поғонада бўла туриб, деярли биринчи раунддаги (106) ва ўзбекистонликларга яхши таниш теннисчи билан баҳси, натижаларга қараб изоҳлайдиган бўлсак, шов-шувга сазовор. Евгения эса бу тўғрида ўзига хос равишда шундай жавоб қилди: «Мураббийимнинг тавсияларига риоя қилиб, яхши ўйин кўрсатишга астойдил ҳаракат қилдим. Рақибим янада яхшироқ ўйнаши мумкин эди, лекин мен унга бундай имкониятни бермадим-да...» «Tashkent open-2005» меънинг илк катта турнири.



Шу боис кейинги босқичдаги ўйинлар қандай кечишидан қатъи назар, бугунги ютук мен учун катта аҳамиятга эга ва узоқ вақт эсда қоларли бўлади...»
2004 йилги турнир ғолиби чехиялик Николь Ваидисова ҳам 15 ўшда учта сараланган спортчилардан устун келиб, охири-оқибат «Tashkent open» шохсупасидан жой олганди. Бугунги кунда бу спортчи WТАнинг таснифида 28-поғонани эгаллаб турибди. Дарҳақиқат, «Tashkent open» кўп янги юлдузларни кашф этмоқда ва Евгения Родина ҳам шулар қаторидан жой олишига шубҳа йўқ.
БУГУН ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова билан



бахшлашишга шайланган Антонелла Серра Занетти кечаги беллашувидан анча завқланди. Турнирда учинчи бўлиб сараланган бу италиялик теннисчи иккинчи юзликдаги (134) Мария Корицева (Украина) қорғта кўп «қийноқларга» солиб, 6/2, 6/4 ҳисобида мағлуб этди. Нега йиллардан буён кучли спортчилар билан беллашиб келган Мария, кўнгли буш экан шекилли, ўйин тугаши билан, ҳаттоки қорғта тарқ этмасданок хўнграб йиғлаб юборди. «Умуман ўзимни қўлга ололмадим, балки, уч марта кетма-кет қорғта қорғта уйнаганимни ёки жароҳатим туфайлими, билмадим, менга нима бўлганини», — деди, ўз ҳаётларини тан олгандай бўлиб, Мария матбуот конференциясида.

Корицеванинг бундай кайфияти, шубҳасиз, кечки пайт бўлиб ўтган жуфтлик ўйинларига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Оқул Омонмуродова ва Ирода Тўлаганова жуфтликка қарши беллашувда Корицева-Весниналар ўйинни ҳамюртларимизга бой бериб қўйишди.

БУГУН иккинчи давра ўйинларига яқун ясашиб, қорак финал баҳсларининг илк натижалари маълум бўлади. Шу жумладан, турнирда «вайлд кард» билан иштирок этаётган 2005 йилги Осиё чемпиони Оқул Омонмуродова россиялик Галина Воскобоевага қарши қорғта тушса, Ирода Тўлаганова, юқорида айтиб ўтганимиздек, Антонелла Серра Занетти билан беллашди. Шу ўринда ўтган йилги мусобақаларга яна бир бор қайтиб, бир нарсани эслатиб ўтишни ҳоиз деб биламиз. «Tashkent open-2004»да мамлакатимиз гурури Ирода шу италиялик теннисчи билан айнан иккинчи даврада учрашиб, ўйинни бой берганди. Лекин бу эртанги кун, тарих саҳифаси. Бу турнирда Ирода Тўлаганова яхши ўйин кўрсатишига ишончимиз комил.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.
Алишер Рискиев (ЎзА)
олган суратлар.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА
ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА !**

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ маълум қиладики, иссиқлик ташуви муҳит ва сотиб олинадиган иссиқлик учун нархлар ва тарифларнинг бир неча марта ошганлиги муносабати билан 2005 йил 15 октябрдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясига тариф ҚҚСсиз 9 700,0 сўм/Гкал миқдоридан ва ҚҚС билан 11 640,0 сўм/Гкал миқдоридан белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, 2005 йил 1 октябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф(нарх)лар белгиланади:
марказий иситиш – 146,0 сўм/м²/ой (турар жой майдони);
иссиқ сув таъминоти:
хисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда – 1 550,0 сўм/киши/ой.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Т.Умаров номи 99-мактаб томонидан 2004 йили Исмоилов Нодир Улуғбекович номига берилган O’R-A № 1495281 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Муражжим башорати

**ТАШАБУС ВА ҒАЙРАТ
КЎРСАТИНГ**

6 ОКТАБРЬ, ПАЙШАНБА

Ой сайёраси Чаён буржида бўладиган бу пайшанба инсонлардан ташаббускорлик ва ғайрат, шижоат билан ишлашни талаб этади. Бунинг эвазига у сиз билан бизга файзбарака, самарали натижани ваъда қилади.

Айни пайтда бугунги кун яқуний ҳисоб-китоблар, ҳар қандай ярамас нарсалардан покланиш куни ҳамдир. Ҳар қандай ишга жиддий ёндашиш, ман этилмаган ҳар қандай амалиётларни дадил бажариш керак. Фақат кунни сайёралар хоҳишига мослаб ўтказилса бўлгани. Аммо турли мулоқотлар, кениктириб бўлмайдиган жуда жиддий ишларнинг бугун вақти эмас. Кейинроқ бажарса бўладиган ишларни эртанги, яхшиси, индинги кунга қолдирган маъқул.

Бугун томоқ хасталиқларга мойил бўлади. Кузининг шу кунларида эҳтиётингизни қилиб, иссиқроқ кийимли юришни маслаҳат берамиз.

Кийим-кечақлардан ёрқин ҳамда яшилга яқин ранглар устувор бўлиши мақсадга мувофиқ. Қора либослардан узоқроқ бўлинг.

ПАЙШАНБА ТАВСИЯЛАРИ:

- кўп куч-ғайрат ва аниқликни талаб қилувчи ишлар билан машғул бўлиш;
 - ташаббус кўрсатиш, ўзингиз учун муҳим бўлган масалалар бўйича мунозараларда фаол қатнашиш;
 - ўзингиз учун керакли кишилар ва йўқолган нарсаларингизни излашга киришиш;
 - қарорларни тезкорлик билан қабул қилиш (аммо шошма-шошарликка йўл қўймаг, ҳовлиманг), уларни бажариш;
 - қурилиш ва монтаж ташкилотлари вакиллари билан фикр алмашиниш;
 - ўйингоҳ, сув ҳавзаси, ҳаммомга боришни (жисмоний машқлар ва сувдаги муолажалар фойдали бўлади) маслаҳат берамиз.
- Худбинлик ва маманиликни намойиш этишдан, саломатлигингиз ёмонлашишига эътиборсизликдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ обфет
усули билан.
2496 нусxada босилди. Қўзғат бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсатқичи — 563

Наширн этикди бериш масалалари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамини» — 133-74-05
телефонига муражаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрий-матбоа акциядорлик компанияси босмахоҳонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.